

ШОМУРОД ШАРАПОВ



УМР ДАРЁСИ

ШОМУРОД ШАРОПОВ

УМР ДАРЁСИ

ТОШКЕНТ – 2016

УЎК: 377.3 (072)

КБК 84.(5Ў)7

Ш-26

**Ш-26 Ш.Шаропов. Умр дарёси. –Т.: «Fan va
technologiya», 2016, 404 бет.**

ISBN 978–9943–11–410–4

Тақризчилар:

Дамин Тўраев – филология фанлари доктори,
профессор;

Назар Ҳакимов – фалсафа фанлари доктори,
профессор.

ISBN 978–9943–11–410–4

© «Fan va technologiya» нашриёти, 2016.

*Амир Тўраев таваллудининг 70 йиллигига
бағишланади*

ТАРИХИЙ, ҲУЖЖАТЛИ ДЕТЕКТИВ АСАР

*Дамин ТЎРАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор*

Инсон ва унинг рангин ҳолатларга бой ҳаёти ўша инсон яшаган умрни безаб, мазмун ва моҳиятини белгилаб келган. Дарвоқе, кишилик жамияти тараққиётининг барча босқичларида инсондаги инсонийлик фазилатларни, унинг маънавий дунёсини, ундаги салоҳият ва истеъдодни эътироф этиши ҳам муҳим ўрин тутган. Мутахассислар, хусусан, ўз даври қалам аҳли ҳисобланган ижодкорлар эса бу эътирофни миллат қалбига етказиш борасида изланишиб, турли ифода усулларини кашф этишган. Эл назарига тушган ва ибратли ҳаёт кечирган фидойи инсонларнинг эл-юрт тараққиётига ҳисса бўлиб қўшилган хизматларини эътироф этишда тарихий-бадший асарлар битиши ана шундай воситалардан бири ҳисобланган. Таниқли ижодкор Шомурод Шароповнинг “Умр дарёси” номли китобини ҳам юқоридаги асарлар туркумига киритиш мумкин. Чунки, асарни қунт билан мутолаа қилган китобхон қаишқадарёлик фидойи инсон, пахтачилик бўйича етук олим, улуг мақсадларга эришишининг ягона йўлини ҳалол меҳнат ва касбга садоқат деб билган, маънавий етуклик ва мустаҳкам эътиқод эгаси Амирқул Тўраевнинг ҳаёт йўли мисолида инсон ва у фаолият олиб борадиган ҳаёт муаммолари хусусида етарли тасаввурга эга бўлади.

Мен китоб муаллифи Шомурод Шароповни миллий қадриятларимизни эъзозловчи, анъаналаримизни тарғиб

қилувчи таниқли ижодкор сифатида яхши биламан. Унинг Қашқа воҳасининг улуғ зиёратгоҳ ва қадамжолари, шунингдек, эл ардоғидаги фидойи фарзандлари ҳамда “орамиздаги одамлар” ҳисобланувчи камсуқум, аммо ўзининг камтарона меҳнати билан обрў топган инсонлар ҳақида ҳикоя қилувчи тарихий мемуар асарларини, портрет жанридаги китобларини мамнуният билан мутолаа қилганман. Айтиши жоизки, унинг ижод маҳсулларини нафақат қалам аҳли, балки турли касбдаги ҳамюртлар ва кўп сонли замондошларимиз ҳам яхши билишади, десам муболага бўлмас.

Муаллифнинг “Умр дарёси” номли китобининг қўлёзмаси ҳақида тўхталар эканман, унинг ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини таъкидлаш лозим. Бу китоб воқеалар кўламдорлиги ва персонажларнинг кўплиги, тасвирдаги ҳар бир воқеа – муаммога муаллиф нуқтаи-назарининг холислиги ва аниқлиги билан китобхонни асар қаҳрамони билан бирга нафас олишга ўзига хос касб этади. Китобхон мутолаа жараёнида муаллиф услубига хос бўлган проза жанридаги тарихий-ҳужжатлилиқни ҳам, детектив адабиётга хос изқувар образ талқинини ҳам, жиноятни очиш билан боғлиқ воқеалар силсиласини ҳам, шунингдек, соф бадиий асарга хос психологик талқин намуналарини ҳам учратади. Тасвирдаги ана шундай услуб хилма-хиллиги китобхонни асар қаҳрамони изидан етаклайди, воқеалар иштирокчисига айлантиради. Хусусан, китобнинг биринчи қисмидаги “Ойсиз тун хаёллари”, “Пўлатими ёки...”, “Абу таксичи”, “Меҳмонлар борми?”, “Ертўладаги учрашув”, “Косонтоғдаги қотиллик”, “Инсон қиёфасидаги йиртқич”, “Самарқандга саёҳат”, “Қора илон”, “Хусумат” каби фасллардаги тасвирлар ана

шундай фазилатлари билан ўқимишлиликни таъминлайди.

Ижодда “Ҳаёт ҳақиқати ва бадиий тасвир” деган “қонуният” борлиги маълум нарса. Бу қонуниятнинг асосини “бадиий тўқима” ташиқил этишини ҳам барча ижодкорлар яхши билишади. Шомурод Шароповнинг мазкур китобида ана шу “бадиий тўқима”га эрк беришни учратмаймиз. Асар қаҳрамони қиёфаси ва ички дунёси ҳамда воқеалар тасвири ҳаётда қандай бўлса шундайлигича ҳаёт ҳақиқатига хос – ҳаётдагидек берилган. Дарвоқе, камина асар қаҳрамони Амирқул Тўраевни яхши билишим, фидойи чўлқувар, моҳир раҳбарлик фаолиятдан хабардорлигим сабаб, китобнинг мазкур фазилатларини алоҳида қайд этаяпман.

Китоб муаллифининг ютуқларидан яна бири шундаки, у асар қаҳрамони ҳаёти, хусусан таржимаи ҳолини батафсил тасвирлашни мақсад қилмайди. Бошқача айтганда, асосий ургу – муаллиф нуқтаи-назари асар қаҳрамони ҳаётидаги жамият тараққиёти муаммоларига дахлдор воқеалар тасвирига қаратилади. Натижада китобхон давр манзараси ва унинг ижтимоий-маънавий ҳолати ҳақида ҳам тасаввурга эга бўлиб боради. Ана шу холис тасвир орқали китобхон Қариши чўлини ўзлаштиришида фидойилик намунасини кўрсатган Шароф Рашидов, Рўзимат Ғойибов, Нажим Ҳамраев, Эркин Турсунов, Қарол Маҳмудов, Муродулла Саидов сингари инсонларнинг меҳнат фаолияти билан танишади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоиз-ки, китоб муаллифининг воқеалар тасвири ва унга муносабатида айниқса, собиқ шўролар даври тизимида ўзигагина хос бўлган давлат бошқарувидаги буйруқбозлиги, собиқ

Марказнинг ҳукмдорлиги, унинг холис ўзбек миллатига хос бўлган урф-қадриятларини менсимаслиги каби тоталитар қиёфасига нисбатан танқидий ёндошиши уфуриб туради. Ҳар бир фаслда муаллиф бадиий тафаккурининг Истиқлол шукуҳига йўзрилганлигини ҳис этиши мумкин. Катта авлод вакиллари яхши биладиларки, собиқ иттифоқ даврида Иван Иосифович деган кимса узоқ йиллар давомида Қашқадарё вилоятининг иккинчи раҳбари сифатида фаолият олиб бориб, маҳаллий кадрларни топташ ва “чеканка” қилиши, оддий халқнинг номини оғзидан олишида собиқ Марказга садоқатли хизмат қилган эди. Бирон-бир зиёли ёки собиқ раҳбар бўлмасин, унинг номини лаънатлар гирдобида эслашади. Хусусан, камина ҳам қайсидир битикларининг бирида унинг умри якунидаги қисматига маймунлар йиглаб томоша қилганини қайд этган эдим. Қизил империянинг бу жаллоди ҳақида жиндек ортиқча тўхталганлигимнинг сабаби шундаки, Шомурод Шароповнинг “Умр дарёси” номли мазкур китобида бу кимса – салбий персонаж Иван Иосифовичга нисбатан қараши асар қаҳрамонининг кураши жараёнида очилиб боради.

Китобнинг “Замондошларнинг қалб сўзлари” номли иккинчи қисми ҳам китобхонларни асар қаҳрамони Амирқул Тўраевнинг инсоний фазилатлари билан таништиришида муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу қисмда Амирқул Тўраев билан турли йилларда бирга ишлаган ва мулоқотда бўлиб келган замондошларининг қалб сўзлари жамланган. Булар орасида Жамол Камол, Ўткир Раҳмат, Эркин Аъзам, Комил Аваз, Убайдулла Уватов, Дамир Ёдгоров, Январ Иноятов каби республикамизнинг таниқли зиёллари – шоир ва ёзувчилари, меҳнат фахрийлари ҳамда Амирқул Тўраевнинг бир

қатор хорижлик дўстларининг хотиралари эътиборли бўлиб, бу хотиралар айти пайтда китоб мазмунини зийнатлаган.

Хуллас, китоб бағоят мароқли ва равон тарзда битилган. Асар қаҳрамони ва унинг замондошлари фаолияти тасвири бугунги ёшларимизни ватан-парварлик ва меҳнатсеварликка, илм-маърифатга етаклайди, юртимизнинг яқин тарихидаги бунёдкорлик ишлари билан таништиради. Ҳайлайман-ки, унинг нашр этилиши ва китобхон қўлига етказилиши хайрли ишлардан бири бўлиб қолади.

БИРИНЧИ ҚИСМ

УМР ДАРЁСИ

...Тўғриси, дунёнинг кўп мамлакатларида бўлдим, гўзал чехраларни кўрдим, кошона ва эҳромларни кездим, улар бир-биридан жозибадор бўлсада, ўзим туғилиб ўсган қишлоғимни севаман. Албатта, дунёнинг чек-чегараси йўқ, инсонларни ҳар қадамда ҳайратга соладиган мўъжикор, сир-асрорларга тўла нарсаларнику айтмаса ҳам бўлади, аммо сафардалиқ пайтларимда негадир кўз ўнгимдан қишлоғимдаги инсонлар бирма-бир ўтиб тураверади. Дубайда қад ростлаган баландлиги 824 метрли дунёдаги энг баланд “Бурж ал-Араб” кошонаси ҳам, Қизил денгиз ҳам, Ўрта ер денгизи ва Ўлик денгизи ҳам, жонларга дармон бўлган машҳур Карло-Вари суви ҳам, Ҳиндистондаги етти мўъжизанинг бири бўлмиш гўзал Тоғмаҳал ҳам, Буюк Хитой девори ҳам, ҳамма ҳаммаси мени кечирсинлару, Каъбам бўлмиш Ўзбекистон дея аталмиш Ватаним, олти мингдан ортиқ хонадон яшайдиган ўзимнинг Пўлати қишлоғим ва унинг захматкаш оддий халқи барча-барчасидан устундир!

Дунёга келганимда менинг исмимни отам қўйган эканлар. Ўз боласига исм қўйиш, ўқитиш, тарбиялаш ва уйлантириш отанинг асосий масъулияти ҳисобланади. “Амир” деган исмимга ҳамма рози эди. Пўлати қишлоғида икки нарса кўпроқ қадрланади – ор-номус ва ўз номи. Афсуслар бўлсинки, баъзида номига ҳам, ор-номусига ҳам инсоннинг ўзи хиёнат қилиши мумкин. Лекин отам менинг исмимга умрим мазмуни ва мақсадини жо этган экан. Мен бу дунёда

Ўзимга сизмасдан яшадим. Аллоҳнинг ўзига шукур, ҳеч нарса мен учун муаммо бўлгани йўқ. Ўтган кунларим мен учун энг бахтли онларим деб ҳисоблайман. Лекин бу кўҳна дунёнинг сирини ҳалигача ҳеч ким билган эмас. Дунё эса яна дунёлигича қолаверади.

Ватанни севишдек жасоратни инсон қалбига Аллоҳнинг ўзи жо қилади. Жасоратли инсонлар ҳаёт билан ўлим орасида ҳам ўз билганини қилади. Уларга кўрқув бегона, улар номус учун курашадилар, уларда армон бўлмайди, орзу-умидлари ўнгидан келаверади, ишлари зафарли бўлади. Жасоратли инсонлар ҳеч қачон Ватанига ва халқига хиёнат қилмайди. Буни бир сўз билан ВАТАНПАРВАРЛИК дейилади.

Ўзбек халқи эришган мустақиллик элимизнинг фахрли ютуғи. Бу бахт ҳамма бахтлардан ҳам буюкдир!

Бу бахтга мушарраф бўлган халқимизнинг юзи ёруғ, келажаги нурафшон бўлсин. Истиқлол йўлида курашган, ўз жонини фидо қилган ватандошларимизни Аллоҳим ўз раҳматиغا олсин!

Амир ТЎРАЕВ

“Пўлати ва пўлатиликлар”

китобидан.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/4013> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/4013> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4013>